*Маҳаллам — фахрим*

# ХАЛҚ БАНКИ — ОИЛА БАНКИ

***«Кўпчилик ишчи-хизматчиларнинг таътили мавсуми палласида маблағ танқислиги, нақд пул тушумининг камлиги боис маошлар ва ҳатто нафақаларни тарқатишда муаммолар туғилиши ҳеч кимга сир эмас. Айнан шундай пайтда бу ишларга бевосита мутасаддиларнинг, банкларнинг фаолияти нечоғли тўғри, тадбиркорлик билан ташкил этилганига объектив баҳо берса бўлади».***

*(Дўстлик туманидаги «Алпомиш» фермер хўжалиги раҳбари Ю. Нурлибоев сўзидан).*



Давлат тижорат Халқ банкининг Дўстлик тумани бўлими мижозлари кундалик турмушда ҳам, ғалла ўрими пайтида ҳам ҳеч нарсага зориқиб қолишмади, ҳисоб. Тўғри, айрим фермер хўжаликлари ҳисоб-китобларидаги чалкашликлар, зарур ҳужжатларнинг вақтида тақдим этилмаганлиги ҳоллари умумий ишга халал берган пайтлар бўлди. Лекин барибир Халқ банкининг туман бўлими хизмат қилаётган фермерлар камаймади. Бир мисол. «Алпомиш» фермер хўжалиги айни ғалла ўрими авжига чиққанда таъминотчи ташкилотлардан 560 минг сўм қарз бўлиб қолди. Банк тадбиркорлик билан муаммони тезда ҳал этди. Бунинг устига, фермер хўжалигига давлатга топширган ғалласи учун оладиган 1 миллион 600 минг сўм пули ҳам вақтида етказиб берилди.

20 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер Муҳиддин Абдуллаев ҳам Халқ банкининг туман бўлими фаолиятидан мамнунлигини, бу ерда мижозлар билан алоқа, банк операциялари тадбиркорлик билан ташкил этилганлигини айтди.

Обод маҳалла йили муносабати билан жамоа аъзолари ўз иш жойларини том маънода маҳаллаларга кўчиришган. Мақсад — ҳар бир оилага кириб бориш. Маҳаллалардаги бўлим шохобчаларига кирсангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Халқ банки бўлимида хизмат қилаётган 41 нафар ходимнинг барчасига ва ҳатто уларнинг оила аъзоларига ҳам омонат дафтарчалари очилиб, иш ҳақи ва бошқа тўловлар банк орқали амалга оширилаяпти. Кичик бир туманда Халқ банки бўлимидаги мижозлар сонининг 15,5 минг нафарга етиши бежиз эмас.

Дарвоқе, қисқа давр ичида «Маҳаллам — фахрим менинг» омонати мижозларининг 300 нафардан ошиб кетганлиги, уларнинг жамғармалари 3 миллион сўмга етганлигига нима дейсиз? «Таълим» омонатлари эса 53 миллион сўмдан ошиб кетди. Мана шундай беминнат самарали хизматлар боис Халқ банки туман бўлимининг даромад олиш режаси кўзда тутилганидан салкам икки баробар кўпайди. Бу ҳол жамоага янги имкониятлар туғдираяпти. Ўтган ойларда 8 оилага уй-жой қуриш учун 1,5 миллион сўм, 11 нафар мижозга «Комфорт» («Истеъмол») кредитидан 11 миллион сўм берилгани шундан далолат беради.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, берилган қарзларни белгиланган фоизлари билан вақтида ундиришда ҳеч қандай муаммо бўлмаяпти.

— Аҳолининг бизда сақланаётган омонатлари ҳисобига, фуқароларга берган қарзларимиз фоизларидан олинаётган фойдамиз боис бўлимимиз йил давомида мижозларга ишончли хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди Халқ банкининг туман бўлими бошқарувчиси Алишер Ҳайитбоев. — Улар Халқ банки ўзларининг оилалари банки бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Бўлим хазиначиси Бекмурод Холмоновни «Мевазор» маҳалласи ҳудудида яшовчи Зулфия Абдураҳмонова хонадонида учратдик. Зулфия опа 3 фарзандига нафақа оларкан. «Манас» хўжалигида яшовчи Қизилой Абдураҳмонова банк ходимларининг уйма-уй юриб, нафақа тарқатишлари, маҳалладошлари ўртасида турли омонатларни ташвиқот қилишларидан руҳланиб гапирди.

— Ҳаммасидан ҳам бизга «Маҳаллам — фахрим менинг» ютуқли омонати ёқди, — дейди Ҳамза маҳалласида яшовчи Раъно Мехлиева. — Ҳозирча омонатга 10880 сўм қўйдим.

Бундай омонатчилар Дўстлик тумани маҳаллаларида борган сари кўпаймоқда. Бу, аввало, банк жамоасининг ўз иш ўринларини бевосита маҳаллаларга кўчиргани самарасидир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

# БОЛАЛАР ЎЙИНГОҲИ ЗАРУРМИ ЁКИ?..

**Журналист суриштируви**

Эшик тақиллади.

— Мумкинми?

— Марҳамат, келинг.

— Мен Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси 110-а уйда яшовчилар номидан шикоят хати билан келгандим, — деди ўзини Муаттар Мирзааҳмедова деб таништирган аёл. — Уйимиз 24 хонадондан иборат бўлиб, «Сувсоз» тресты ҳудудида жойлашган. Ҳовлимизда болалар спорт майдончаси мавжуд. Бу ер нафақат болаларимизнинг, балки маҳалламиз ҳудудида жойлашган кар-соқов болалар махсус интернат-мактаби ўқувчиларининг ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлган ягона жой.

Эксплуатация хизмати кўрсатиш бўйича уйимиз «Янги аср» УЖМ ширкатига қарашли бўлиб, ҳудудий жиҳатдан «Баҳор» маҳалласида жойлашган. Ҳозир бу ерда Олим Султонов деган киши гузар қуришни бошлади. Сабабини сўрасак, Баҳор маҳалла оқсоқоли Ашур Собиров ҳудудда марказлашган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлган замонавий гузар йўқ деб тушунтирди ва уни қуриш ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йилнинг 14 ноябрида имзолаган 641-сонли қарори борлигини айтди. Уларнинг биз билан маслаҳатлашмай, бу ишга қўл ургани барчамизни ҳайратга солди. Наҳотки, у ерда яшовчиларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаса. Ваҳоланки, маҳалламизда барча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари етарли. Айтишларича, улар бу ерда тўйхона қуришмоқчи экан. Биз бунга қарши эмасмиз, лекин маҳалламизда қаровсиз бўш жойлар кўп. Биласизми, уйимизда ва ён-атрофда яшовчиларни бир нарса хавотирга солмоқда. Яқин орада бошқа ўйингоҳ йўқ. Энди болаларимиз бўш вақтларини қаерда ўтказишади? Зерикқандан болаларимиз карта ўйнаш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатларга берилиб кетмасмикан?.. Биз гузар бу ерда қурилмасин деб кўп илтимос қилдик. Лекин бизга ҳеч ким қулоқ солмаяпти.

Юқорида тилга олинган манзилга борганимизда ўйингоҳ ёнига юк машинасидан қурилиш материаллари туширилаётган экан. Уч-тўрт киши дарахт соясида бўлаётган воқеаларни кузатиб турибди. Уй олдида ҳам беш-олти одам йиғилган. Биз уларнинг фикри билан қизиқдик.

— Мана, ўзингиз кўринг, — дейди ушбу уйда яшовчи Л. Килимник, — қурилиш ҳақида бизни ҳеч ким огоҳлантиргани йўқ. Бир куни келиб гузар қурилиши режасини кўрсатиб, бу ерда тўйхона қурамиз дейишди, вассалом.

— Мен иккинчи гуруҳ ногирониман, беш нафар фарзандим бор, — деб гапимизга қўшилди Н. Усмонова. — Болаларимиз шу ерда ўйнашарди, доимо назоратимиз остида эди. Энди улар қаёққа боришади?

— Ҳукуматимиз болалар спортига катта эътибор қаратаяпти, — дейди маҳалла фуқароси В. Фозилов. — Маҳалламизда эса бундай жойларни кўпайтириш ўрнига, бори ҳам йўқ қилинаяпти. Кичкинтойларимиздан бу ерни ҳам олиб қўйишса, улар қаерда ўйнайди?

— Мен шу уйнинг «домком»и Рива Абдурашидовман. Гузар қурадиган одам қарорни кўрсатганида биз норозилик билдирдик. Болаларимиз бу ҳақда эшитиб, ўйингоҳни олиб қўймаслик ҳақида хат ёзишган. Кейин уйма-уй кириб имзо йиғишди. Гузарни қураётган киши — Олим Султонов эса буни сизлар ҳал қилолмайсизлар, деганча ҳеч ким билан ҳисоблашмай юрибди. Биз ҳам шу мамлакат фуқаросимиз. Майли, ҳокимиятдан вакиллар келиб ўша қарорни асослаб беришса, биз бўйсунишга тайёрмиз. Аммо ишончимиз комилки, бу ердан борган вакиллар ҳокимиятни чалғитишган. Бинойидек ўйингоҳни қаровсиз жой деб маълумот беришган.

Гузар қурилиши мўлжалланаётган жойда участка нозири, милиция катта лейтенанти Алишер Умаровни ҳам учратдик. Нозир бу ерда тартиб сақлаш учун турганини билдирди. «Бу ерда ҳеч ким тартибсизлик қилаётгани йўқ-ку», деди биз билан келганлардан бири. А. Умаров маҳаллада ўйингоҳлар кўплигини айтиб, айланишга таклиф қилди. Ҳудуд бўйлаб айланаётиб икки қаватли бинога дуч келдик.

— Мана кўринг бу ерда озиқ-овқат магазиниям, сартарошхонаям бор, — деди бизга ҳамроҳлик қилаётган Рива ака.

— Нарироқда трамвайчилар ётоқхонаси бор, — деди участка нозири. — Ёнида стадион жойлашган.

Ўйингоҳга бориб уни кўздан кечира бошладик. Унинг ён атрофи ўралган ва анча-мунча жиҳозланган.

— Гап шундаки, — деди Р. Абдурашидов, — бу ерга бизнинг болаларни қўйишмайди.

Шу пайт ёнимизга машина келиб тўхтади. Ундан икки киши тушди. Бири маҳалла оқсоқоли Ашур Собиров, иккинчиси ўйингоҳ ўрнига гузар қураётган Олим Султонов экан. Биз оқсоқолга муддаомизни айтдик ва унинг фикри билан қизиқдик.

Суҳбат давомида маҳалла раиси гузар ҳудуд учун жуда зарурлигини, ўйингоҳ эса аслида қаровсиз жой эканлигини айтди. Сўнг бизга Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 14 ноябрида имзоланган 641 рақамли қарори ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг маҳаллада гузар қуриш тўғрисидаги 2003 йил 19 июнь 954 рақамли қарорининг матнини кўрсатди.

— Гузар бир қаватли бўлади, —деб гапини давом эттирди раис. — Унда чойхона, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти, новвойхона, сартарошхона қуриш режалаштирилган.

Бизнинг нима учун, айнан, ўйингоҳ ўрнига гузар қурилаяпти, бунга нима асос бўлди деган саволимизга маҳалла раиси у ерни шаҳар архитектура бошқармасидан келган вакиллар кўрсатганини айтди ва бу масала бўйича маҳалла фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтганини маълум қилди. Ўша йиғилиш протоколини кўриш мақсадида маҳалла қўмитаси биносига келдик. Ҳақиқатан ҳам йиғилиш бўлиб ўтган экан. Аммо у жорий йилнинг 4 июлида ўтказилган. Биз йиғин шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилингандан кейингина ўтказилганини айтганимизда, Ашур ака «Бундан аввал шарт эмасди. Чунки гузар қуриш масаласини мен маҳалла раислигига сайланаётган пайтда кўтарганман», деди. Шундан сўнг раис бизни ҳудудда жойлашган Геодезия ва картография техникуми спорт майдончасига олиб борди. Техникум директори маҳалла оқсоқолининг мурожаатномаси асосида маҳалла болаларининг ўйингоҳда ўйнашлари учун 17.30 — 20.30 гача рухсат бериш ҳақидаги ҳужжатни кўрсатди.

Маҳалла оқсоқоли билан хайрлашиб, яна гузар қурилиши бошланаётган ўйингоҳ ёнига келдик. Биз 110-а уйда яшовчилардан ташқари, ўша атрофдаги ҳовлиларда истиқомат қилувчиларнинг қурилишга муносабатларини сўрадик.

— Ахир бу ерда тўйхона қурилса, биринчидан, болаларимиз ўйингоҳсиз қолади, иккинчидан, атрофдагилар кечаси билан дам олиш ўрнига тарақа-туруқ мусиқа эшитиб тинчи бузилади, учинчидан кўчада маст-аластлар бўлади, — дейди Ш. Бурхонов кўчаси, 43 -уйда яшовчи Зоҳид Пўлатов. — Бу ерда тўйхонанинг умуман кераги йўқ. Мана бир километр нарида «Оққуш» кафеси бор, яна «Жўра ота» кафеси, қолаверса, маҳалламиз марказида яна бир тўйхона қурилаяпти.

Шу кўчада яшовчи Улуғбек Абзалов, Санжар Шарапов, Матлуба Бобожонова ва бошқалар ҳам қурилишга қарши эканликларини билдиришди.

— Бошқармамиз тавсифнома бераётганда, уларга болалар майдончаларини ободонлаштириш тўғрисида банд киритамиз, — дейди Тошкент шаҳар Меъморчилик ва қурилиш бош бошқармаси раисининг ўринбосари Тоҳир Содиқов. — Хусусан, «Баҳор» маҳалласига келсак, биз бориб, қаерда қурилиш бўлишини кўрсатмаганмиз. Умуман, бундай масалалар туман архитектори билан бирга маҳалла кўрсатган жой бош режа асосида ўрганилиб, кейин рухсат берилади. Бундан ташқари, уни яна бир неча ташкилотлар кўриб чиқади.

Хўш, жойларда вазият шундай экан, буни Тошкент шаҳрида тегишли мутасаддилар қандай изоҳлашади? Чунки бу биргина воқеа эмас. Таҳририятимизга келаётган хатларнинг кўпчилигида, айнан, шунга ўхшаш муаммолар кўтарилган. Биз уларни алоҳида санаб ўтмоқчи эмасмиз. Аммо улар доим бизнинг диққат-эътиборимизда туради. Шу биргина воқеа тафсилоти кўпчиликка ўрнак бўлади, деб ўйлаймиз.

Биз фуқаролик давлати қурмоқдамиз. Демократик давлатда эса инсон фикри ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун. Лекин юқорида келтирган мисолдан кўриниб турибдики, баъзи жойларда фуқаролар фикри билан ҳисоблашмаслик, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини очиқдан-очиқ инкор этиш ҳоллари рўй бериб турибди.

Барча бунёдкорликлар одамларга қулайлик яратиш мақсадида қурилади. Халқимизда барча эзгу ишларга оқ фотиҳа беришдек ажойиб одат бор. Бирон ишга қўл урган ҳар бир киши буни ёдида тутса яхши бўларди. Тўғри, гузар ва бошқа тўйхоналар ҳам керак, аммо уларнинг аҳоли зич яшовчи ҳудудларда қурилиши ва минглаб одамларнинг осойишталигини бузиши инсофданми?.. Ҳукуматимиз болалар спортини ривожлантириш, фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб ўсишига қаратилган қарорлар қабул қилаётган бир пайтда, баъзи жойларда мавжуд ўйингоҳларнинг ҳам йўқ қилинаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Дарҳақиқат, бирон бир қарор кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлаётган экан, демак, бу масалада дўппини ерга қўйиб, обдон мулоҳаза қилиш лозим бўлади. Ушбу масалани туман ва шаҳар мутасаддилари қайта кўриб чиқиб, тўғри хулосага келадилар, деган умиддамиз.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

### ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

**2003/2004 ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУЛЛИ-ТЎЛОВ ШАРТНОМА АСОСИДА ТАЪЛИМ ТУРИ, ТИЛИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР РЎЙХАТИНИ 2003 ЙИЛ 23 АВГУСТДА «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЭДИ. ШУ АБИТУРИЕНТЛАРДАН БЎШ (ВАКАНТ) ҚОЛГАН ҲАМДА ҚЎШИМЧА ЎРИНЛАРГА ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ҚАЙДНОМАСИДА НАВБАТДА ТУРГАН ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛАЁТГАН БАЛЛАРНИ ТЎПЛАГАН АБИТУРИЕНТЛАРНИ ПУЛЛИ-ТЎЛОВ ШАРТНОМА АСОСИДА ТАНЛАГАН ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА АРИЗА БИЛАН ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИНИ СЎРАЙМИЗ.**

**Таълим шакли — кундузги**

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | – *Математика ва информатика* | 115,30 дан 91,00 гача |
| 1002 | – *Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими)* | 94,90 дан 67,20 гача |
| 1004 | – *Кимё ва экология* | 153,40 дан 121,20 гача |
| 1005 | – *Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси* | 152,40 дан 129,00 гача |
| 1006 | – *География ва иқтисодий билим асослари* | 117,40 дан 90,60 гача |
| 1007 | – *Ўзбек тили ва адабиёти* | 125,00 дан 103,60 гача |
| 1015 | – *Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари* | 130,30 дан 109,60 гача |
| 1018 | – *Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 103,60 дан 72,50 гача |
| 1019 | – *Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология)* | 102,50 дан 68,10 гача |
| 1021 | – *Педагогика ва психология* | 124,30 дан 93,90 гача |
| 1025 | – *Инглиз тили* | 136,80 дан 105,30 гача |
| 1026 | – *Немис тили* | 142,60 дан 107,70 гача |
| 1033 | – *Тарих* | 122,40 дан 101,20 гача |
| 1042 | – *Машинасозлик* | 87,90 дан 71,00 гача |
| 1045 | – *Агрономия* | 138,70 дан 70,10 гача |
| 1150 | – *Мусиқий таълим* | 114,90 дан 68,00 гача |
| 1182 | – *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 123,20 дан 66,20 гача |
| 1275 | – *Амалий санъат* | 127,30 дан 68,00 гача |
| 5201 | – *Қозоқ тили ва адабиёти* | 100,40 дан 59,50 гача |

**Таълим шакли — сиртқи**

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | – *Математика ва информатика* | 127,50 дан 97,90 гача |
| 1002 | – *Физика ва астрономия (Физика ва астрономия,меҳнат таълими)* | 108,10 дан 88,20 гача |
| 1004 | – *Кимё ва экология* | 152,20 дан 121,70 гача |
| 1005 | – *Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси* | 153,50 дан 128,50 гача |
| 1006 | – *География ва иқтисодий билим асослари* | 123,20 дан 108,50 гача |
| 1007 | – *Ўзбек тили ва адабиёти* | 118,70 дан 103,60 гача |
| 1015 | – *Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари* | 145,70 дан 106,40 гача |
| 1018 | – *Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 111,20 дан 91,60 гача |
| 1019 | – *Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология)* | 112,10 дан 90,60 гача |
| 1021 | – *Педагогика ва психология* | 121,90 дан 85,50 гача |
| 1033 | – *Тарих* | 123,60 дан 103,00 гача |
| 1042 | – *Машинасозлик* | 108,20 дан 81,70 гача |
| 1150 | – *Мусиқий таълим* | 109,20 дан 68,00 гача |
| 1182 | – *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 122,30 дан 107,10 гача |
| 1275 | – *Амалий санъат* | 127,90 дан 117,40 гача |

**Таълим шакли — махсус сиртқи**

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1002 | – *Меҳнат таълими* | 75,30 дан 56,70 гача |
| 1018 | – *Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш* | 80,60 дан 56,70 гача |
| 1150 | – *Мусиқий таълим* | 120,40 дан 63,70 гача |
| 1182 | – *Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* | 114,30 дан 64,50 гача |

**Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентларни ректор номига ёзма ариза билан 2003 йил 30 сентябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишлари сўралади.**

**Бизнинг манзил:**
**Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, университетнинг 4-ўқув биноси.**
**Қабул комиссияси телефон рақами: 55-70-27.**

## «Янгийўл ёғ-мой» ОҲЖ акциядорлари диққатига!

**2003 йил 10 октябрь соат 9.00 да Янгийўл шаҳар «Янгийўл ёғ-мой» ОҲЖ ҳудудида (Самарқанд кўчаси, 352-уй) «Янгийўл ёғ-мой» ОҲЖ акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси бўлишини маълум қилади.**
**Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 8.00 дан бошланади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *Жамият чет эл инвестицияси кирган корхона статусини олиши муносабати билан номини ўзгартириш.*
2. *Жамият бошқарув ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият устави ва ички низомларини янги таҳрирда қабул қилиш.*
3. *Ижро органини қайта сайлаш.*
4. *Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.*
5. *Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.*
6. *Корхона статуси ва фирма номининг ўзгариши муносабати билан эмиссия проспектига ўзгартиришлар киритиш ва уларни тасдиқлаш.*

**Номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар 2003 йил 3 октябргача қабул қилинади.**

**Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича туғилган саволларга акциядорлар қуйидаги манзил бўйича жавоб олишлари мумкин: Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352-уй, «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ.**

**Телефон 2-62-03.**

**Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги «Янгийўл ёғ-мой» ОҲЖ бўйича муҳим фактлар ҳақида маълумот**

**06 — рақамли маълумот**

Реестрда 51% дан ортиқ эмитентнинг рўйхатдан ўтиши.

Тўлиқ номи: ***«BEGLANE INVESTMENT COMPANY ESTABLISHMENT» компанияси, Лихтенштейн князлиги.***

Манзили: ***Лихтенштейн князлиги, Пфлугштрассе 10, почта қутиси 1623, 9490 Вадуц.***

Вакили: ***Ўзбекистон Республикасида компания вакили — Д.Мухитдинов.***

(Ўзбекистон Республикасининг Франкфурт-на-Майне консуллиги тарафидан 2003 йил 21 февралдаги 82-ишончнома асосида).

Асос: ***Ўзбекистон Республикаси Давлат кўчмас мулк қўмитаси тарафидан имзоланган 2003 йил 26 июндаги 1076-рақамли олди-сотди шартномаси, «ВАҚТ» Миллий дипозитарийнинг 0685674-рақамли 2003 йил 3 сентябрдаги ҳисобидан кўчирма.***

**07 — рақамли маълумот**

**Реестрнинг ёпилиш муддати — 2003 йил 10 сентябрь «Янгийўл ёғ-мой» ОҲЖда навбатдан ташқари умумий мажлис ўтказиш учун.**

**Кузатув кенгашининг 2003 йил 9 сентябрдаги қарори.**

